

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ З.УМАРОВНИНГ
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 125-Дархон сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Закир Сабирджанович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги “З.С.Умаровни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида”ги ПҚ–3330-сон Қарорига ҳамда ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги берган ёзма аризасига мувофиқ унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 ноябрь,
№ 855.